

ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган хужжатлар тақдим этилган кундан сўнга малгао ширилади. Нефтни қайтаишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темирйўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт махсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"нибухақида хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришининг бошқа муддатни ўзаро келишиб олишлари мумкин

### 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб- китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномаси орқали амалга оширилади.

«Истеъмолчи» оладиган нефт махсулотлари учун олдиндан 100% маблағлар пул ўтказиш йули билан белгиланган тартибда мажбуриятини олади.

3.2. Ҳисоб-китоб рақамига маблағлар келиб тушгач «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га махсулотларни етказиб беради.

### 4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи"га етказиб берилган нефт махсулотлари бевосита "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан қабул қилинади. Етказиб берилган нефт махсулотларини қабул қилиб олишда "Истеъмолчи" вакили шартномада ёки шартнома иловасида кўрсатилган миқдорда ва сифатда шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар, нормативлар ва йўриқномалар асосида амалга оширади.

4.2. "Истеъмолчи"нинг вакили нефт махсулотларни олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Эғалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт махсулотларига зиён етиш хавфи "Таъминотчи" корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб тўлиқ "Истеъмолчи"га ўтади.

### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олишга ҳақли. «Истеъмолчи» томонидан ўз транспортида нефт махсулотини ташиб кетиши ҳолатида, махсулотнинг сифат ва миқдор жихатидан сакланишига жавобгарлик нефт база ҳудудидан ташқарида истеъмолчи зиммасига ўтади.

5.2. Етказиб берилаётган махсулот сифати амалдаги Давлат стандарти, ТШ талабларига мос келиши ҳамда жўнатилаётган нефт махсулот учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилади ва «Истеъмолчи» га тақдим этилади.

5.3. Махсуллаштирилган автотранспортда ташишда эса амалдаги тартиб ва йуриқномаларга мувофиқ иш юритилади.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳари кки томон нефт махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефт махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефт махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Таъминотчи»га олинмаган махсулот